

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ АКАДЕМИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан 2017 йил 25 апрель куни янгидан барпо этилган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси бугунги кунда, юқори бўғин қўмондонлик офицерларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибини ҳар томонлама етук, малакали офицер кадрлар билан бутлаш ҳамда мудофаа қурилиши соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича энг зарур вазифаларни бажарилишида ғоят муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.



Ушбу ўқув маскани мамлакатимиздаги етакчи илмий таълим муассасаларида тўпланган фаолият тажрибасини ўзига қамраб олган ҳолда, ҳарбий таълимнинг ягона тизимида асосий ўринни эгаллаб, том маънода ҳарбий илм-фан марказига айланди.



Академияда ёш офицерлар (лейтенантлар)ни тайёрлаш, қўшинларда хизмат ўтаётган офицерлар малакасини ошириш, шунингдек, бошқарув таркибидаги қўмондонлик кадрларини махсус тайёргарликдан ўтказиш ишлари амалга оширилади. Мазкур вазифаларни бажариш учун таълим жараёнига энг янги усул ва технологиялар жорий этилиб, ўқув аудиториялари замонавий тренажёрлар, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари ва компьютер техникаси билан жиҳозланган.

Академияда 3 та факультет фаолият юритади:

Умумқўшин факультети (бакалавриат);

Қўмондонлик-штаб факультети (магистратура);

Малака ошириш факультети.

Академияда таҳсил олаётган курсантлар ва тингловчиларга ҳарбий, гуманитар ва аниқ фанлар бўйича етарли билим ва кўникма бериш, уларнинг фикрлаш ва бошқарувчанлик қобилиятини ривожлантириш, жисмонан

чиништириш мақсадида Қуролли Кучлар Академиясида 11 та кафедра фаолият юритмоқда.

**Ҳарбий санъат кафедраси** – ҳарбий стратегия асослари, оператив санъат, тактика, артиллерия, ҳаво ҳужумидан муҳофаа ва ҳарбий-ҳаво кучларини жанговар қўллаш, ҳарбий география ва топография соҳасида чуқур ҳарбий-профессional билимга ва кўникмага эга бўлган офицер кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун мўлжалланган.



**Кўшинларни бошқариш ва кўшинлар кундалик фаолияти кафедраси** – турли шароитларда кўшинларни бошқариш бўйича мустаҳкам кўникмаларга эга, юқори жанговар ва сафарбарлик шайликни сақлашга, кўшинларнинг тезкор ва жанговар тайёргарлиги, кўшилма ва қисмларда шахсий хавфсизликни ташкил этишга қодир бўлган офицерларни тайёрлаш борасида фаолият олиб борадиган Академиянинг ўқув-илмий бўлинмаси ҳисобланади.

**Жанговар ва оператив таъминот кафедраси** – кўшилмаларнинг жанговар ҳаракатларни, операцияларнинг ҳар томонлама жанговар ва оператив таъминотини ташкиллаштира оладиган малакали офицерларни тайёрлаш учун мўлжалланган.



**Моддий–техник таъминот кафедраси** – жангни ва операцияни фронт орти ва техник таъминотини таъминлаш, мотоўқчи бўлинмалар таркибида бўлган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларнинг тузилиши ва уларни қўллаш масалалари бўйича офицер кадрларни тайёрлаш, жанговар машиналар ва автомобил техникаларни бошқаришни, кўшинлар хўжалигини ва бўлинмаларнинг молиявий таъминотини ташкил этиш асосларини ўқитишга мўлжалланган.

**Қуролланиш ва отиш кафедраси** – жанговар машиналар қуроллари, ўқ отар қуроллар ва гранатомётлар имкониятлари, уларнинг тузилиши ва қўллаш қоидаларини билладиган, қисм ва механизмлари имкониятларидан тўлиқ ва оқилона фойдаланадиган, отиш қоидаларини аниқ ва тўлиқ билладиган, жангда ўт очишни бошқара оладиган офицерларни тайёрлаш учун мўлжалланган.

**Хорижий армиялар тажрибасини ўрганиш кафедраси** – Ватанимиз ва жаҳон ҳарбий тарихи, хорижий армияларни операцияларда (жанговар ҳаракатларда, жангда) жанговар қўллаш тажрибаси ва хорижий давлатлар қуроли кучларининг қурилиши ва ислохотлари илғор тажрибаси бўйича чуқур билимларга эга офицерларни тайёрлашга мўлжалланган.



**Чегара қўшинлари хизмати ва тактикаси кафедраси** – чегара постининг мавжуд куч ва воситалари билан Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш бўйича фаол ва узлуксиз ҳаракатларни юқори профессионал даражада ташкил этиш қобилиятига эга бўлган, юксак малакали чегарачи-офицерларни тайёрлаш учун мўлжалланган.

**Гуманитар фанлар кафедраси** – интеллектуал ривожланган, юқори касбий ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ҳарбий жамоаларни бошқаришга қодир бўлган офицер кадрларни тайёрлашга мўлжалланган.



**Жисмоний тайёргарлик ва спорт кафедраси** – Академия ҳарбий хизматчилари, Қуроли Кучлар хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари билан жисмоний тайёргарлик ва оммавий-спорт ишлари бўйича тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган.



**Тиллар кафедраси** – хорижий армияларнинг жанговар тажрибасини ўрганиш ва мутахассислик бўйича суҳбат олиб бориш учун етарли миқдорда инглиз, немис, француз, форс ва рус тилларини амалда биладиган офицерларни тайёрлаш учун мўлжалланган.





### **Академия Умумқўшин факультетига кириш тартиби:**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академиясига номзодларни қабул қилиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014- йил 3- июндаги 141-сонли “ОХТМларга танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги” Қарорига ҳамда Мудофаа вазирининг 2015- йил 27-мартдаги “ОХТМларга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тўғрисидаги Йўриқнома” асосида амалга оширилади.

Мазкур раҳбарий ҳужжатлар талаблари асосида ОХТМларга номзодларни сифатли танлаш ва уларни ўқишга қабул қилиш тизими 4 босқичдан иборат бўлган тизим асосида олиб борилмоқда:

1. Ҳарбий профессионал йўналтириш;
2. Дастлабки танлаш тадбирлари;
3. Ҳарбий профессионал танлов;
4. Давлат тест Маркази томонидан тест синовлари.



**Ҳарбий профессионал йўналтириш** – ОХТМ ва МИБ томонларидан йил давомида жойларда (академик лицейлар, касб-ҳунар колледжлари)да фуқаро ёшларга Қуролли Кучлар тўғрисида, ҳарбий таълим муассасалари ва уларда ташкиллаштирилган таълим тизими тўғрисида умумий маълумотлар етказилиши, ёшлар онгида ҳарбий ҳаётга бўлган қизиқишни шакллантириш борасида тарғибот ишлари амалга оширилади.

**Дастлабки танлаш тадбирлари** – туман (шаҳар) МИБлари томонидан ўрнатилган муддатларда ташкиллаштирилиб, унда номзодлар ҳужжатларини тўплаш, улар билан яқка тартибда суҳбатлашиш, умумжисмоний тайёргарлик ва индивидуал-психологик ҳолатини

текшириш ва тиббий кўриқдан ўтказиш тадбирлари куйидаги муддатларда ўтказилади:

- туман МИБда 1 февралдан 31 мартгача;
- вилоят МИБда 1 апрелдан 31 майгача.

Индивидуал-психологик ўрганиш ва жисмоний тайёргарлик ҳолатини текшириш ва баҳолаш тадбирлари вилоят МИБ базасида ўтказилиб, улар бевосита Қабул комиссиялари раислари томонидан тасдиқланган ОЎТМ мутахассислари томонидан 1 апрельдан 20 майгача ўтказилади.

**Ҳарбий профессионал танлов** – белгиланган муддатларда (июнь ойида) ОЎТМ базаларида ташкиллаштирилиб, унда номзодлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади, уларнинг диктант шаклидаги ёзма иш қобилиятлари текширилади, шунингдек, компьютер техникаси ва АКТни билиш даражалари текширилади.

Мазкур жараён номзод билан якка тартибдаги суҳбат ўтказиш орқали яқунланади ва суҳбат натижалари номзодларни тест синовларига кўйиш ёки кўймаслик имкониятларини беради.

МИБларда ўтказилаётган дастлабки танлаш жараёнида бевосита Академия қабул комиссияси аъзолари иштирок этади ҳамда ЖТ ва ИП ўрганиш мақсадида синовлар қабул қиладилар. Бу жараён танловнинг янада объектив ўтишини таъминлайди ва номзодларни ОЎТМга келиб-кетиши билан боғлиқ бўлган ортиқча вақт кетказишларига йўл қўймайди.

ОЎТМларга тест синовлари натижаларидан қатъий назар, конкурсдан ташқари дастлабки ва ҳарбий профессионал танловдан муваффақиятли ўтган куйидаги номзодлар қабул қилинади:

- хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари;
- халқаро ва республика олимпиадалари ғолиблари;
- “Энг илғор сержант” танловининг Республика босқичи ғолиблари.

#### **Киришдаги имтиёзлар:**

ҚК сафида сержантлар лавозимида 5 йилдан ортиқ намунали хизмат қилган, ЖваКТ фанларини аъло баҳога ўзлаштирган, кўмондонликдан ижобий тавсифномага эга бўлган ҳарбий хизматчиларга **20% миқдорда қўшимча балл берилади.** (ПКМ № 170-2004 “О статусе сержантов”).

Ҳарбий қисм кўмондонлигининг олий таълим муассасаларига имтиёзли кириш учун бериладиган тавсияномасига эга бўлган фуқаро ёшлар ҳамда шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар учун ўзлари тўплаган балларининг **50% миқдорда қўшимча балл берилади.** (2017 йил 4 апрельдаги ПҚ-2867).

ҲАЛ битирувчиларига **10% миқдорида қўшимча балл берилади.**  
(ПКМ № 21 от 17 февраля 2010 года).

Қуrollи Кучлар Академияси умумқўшин факультетида таълим жараёни 4 йил давом этади. Ушбу факультетни муваффақиятли



яқунлаган курсантларга диплом ва “Лейтенант” ҳарбий унвони берилади ҳамда улар офицерлик хизматини ўташ учун қўшинларга йўлланма оладилар.